

ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯ-ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ ҲУҚУКӢ КАФОЛАТИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7769259>



Усманова Муборак Акмалджановна
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфисизлиги университети профессори,
ю.ф.д., профессор



FARS PUBLISHERS
Foundation of Advanced Research Initiatives

Received: 22-03-2023

Accepted: 22-03-2023

Published: 22-03-2023

Abstract: ушбу мақолада ижтимоий таъминот соҳасида янги тархрирдаги конституцияда белгиланган кафолатлар, 2017-2022 йилларда амалга оширилган ижтимоий испохотлар, пенсия миқдорларини оширилиши, пенсия ҳисоблаб чиқишида инобатта олинадиган иш стажи институтини тубдан ўзгарганилиги, пенсия ва нафакаларни тайинлаш соҳасида катор имтиёзлар жорий килинганилиги масалалари ёритиб берилган.

Keywords: ижтимоий ҳимоя, ижтимоий таъминот, пенсия, меҳнат стажи, иш ҳаки, пенсия фонди, болаликдан ногирон, устама, пенсия миқдорлари, ўзини ўзи банд қилган шахслар, жамгариб бориладиган пенсия тизими, бокувчисини йўқотганлик ва ногиронлик пенсиялари.

About: FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

НОВАЯ КОНСТИТУЦИЯ - ПРАВОВАЯ ГАРАНТИЯ СОЦИАЛЬНОЙ ЗАЩИТЫ

Усманова Мубарак Акмалджановна

профессор Университета Общественной Безопасности Республики Узбекистан, д.ю.н., профессор

FARS PUBLISHERS
Foundation of Advanced Research Initiatives

Received: 22-03-2023

Accepted: 22-03-2023

Published: 22-03-2023

Abstract: В данной статье рассматриваются гарантии сферы социального обеспечения в конституции новой редакции, социальные реформы проведенные в 2017-2022 годах, повышение размеров пенсий, радикальное изменение института трудового стажа, который учитывается при расчете пенсий, было подчеркнуто, что в пенсионном секторе были введено ряд льгот.

Keywords: социальная защита, социальное обеспечение, пенсия, трудовой стаж, заработка плата, пенсионный фонд, инвалидность с детства, пособие, размеры пенсий, самозанятые лица, накопительная пенсионная система, пенсии по инвалидности.

About: FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

NEW CONSTITUTION - LEGAL GUARANTEED SOCIAL PROTECTION

Usmanova Mubarak Akmaljanovna

Professor of the University of Public Security of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Law, Professor

FARS PUBLISHERS
Foundation of Advanced Research Initiatives

Received: 22-03-2023

Accepted: 22-03-2023

Published: 22-03-2023

Abstract: This article discusses the guarantees for the social security sector in the new edition of the constitution, the social reforms carried out in 2017-2022, the increase in pensions, the radical change in the institution of seniority, which is taken into account when calculating pensions, it was emphasized that a number of benefits.

Keywords: social protection, social security, pension, seniority, wages, pension fund, childhood disability, allowance, pensions, self-employed persons, funded pension system, disability pensions.

About: FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

Инсон, унинг ҳуқук ва эркинликлари энг олий қадрият эканлиги эътироф этилиши ва барча нарсалар инсоннинг баҳт-саодати ҳамда фаровонлигига бўйсундирилиши лозимлиги ҳақидаги инсонпарвар ғояни жамиятда кенг қарор топтирилиши янгича инсоний ва ижтимоий муносабатларни юзага келишига, воқеа-ходисаларга янгича ёндашувларга сабаб бўлди.

Инсон, унинг ҳаётий манфаатларига муносабатни тубдан ўзгарганлиги ижтимоий ҳодиса сифатида уни ижтимоий ҳимоялашга оид фалсафий ва ҳуқуқий қарашларни ҳам тубдан ўзгаришига, бу соҳада янгича ғоялар билан сугорилган замонавий концепция юзага келишига олиб келди.

Ўзбекистон жаҳон цивилизацияси эришган барча ижобий ютуқларни, гуманитар қадриятларни, ҳалқаро ҳуқуқий мезонлар ва талабларни эътироф этгани ҳолда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида ҳалқаро андозаларга мос келадиган фаолият юритишга интилиб келмоқда. Бу фаолият, энг аввало, инсон манфаатларига янгича ёндашишда унинг ҳуқуқий негизини яратиш, инсоният тараққиётида эришилган ижобий қоидаларни ўз миллий тизимимизга жорий этилишида яққол кўзга ташланмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳалқи референдум олдида турибди. Янги таҳрирдаги Конституцияда тарихимиизда илк бора Ўзбекистон – ижтимоий давлат, деб белгиланмоқда. Яъни, инсонга эътибор ҳамда ғамхўрлик – давлат ва жамиятнинг энг асосий бурчи экани мустаҳкамланаяпти. Бу эса ижтимоий таъминот соҳасида давлат сиёсатини юритишда маълум қоидаларга амал қилишни тақозо этади.

Янги таҳрирдаги Конституцияда камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, ишсизликдан ҳимоя қилиш бўйича давлат ўзига қатор янги мажбуриятлар олиши ҳам белгиланмоқда. Умуман давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ Конституциядаги нормалар 3 баробар кўпайтириляпти.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 46-моддасида «ҳар ким қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, ишсизликда, шунингдек бокувчисини йўқотганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот ҳуқуқига эга» эканлиги белгилаб қўйилмоқда. Ва бу қоида «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг 25-моддаси қоидалари билан ҳамоҳангдир. Бир қарашда Конституциянинг 46-моддасида назарда тутилган ижтимоий кафолатлар ўз ҳажми жиҳатидан декларациядагига нисбатан торроқ бўлиб кўринсада, аслида «қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот ҳуқуқига эга» дейилган ҳуқуқий формулани қўллаш орқали бундай кафолатлар ҳажми ва мазмунини Декларацияда санаб ўтилганига нисбатан ҳам кенгрөқ бўлишига эришилган.

Давлат ижтимоий хизматлар тизимини ривожлантириш учун зарур шароитлар яратади ҳамда пенсия, нафақалар ва ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларини белгилайди. Пенсиялар, нафақалар ва ижтимоий ёрдамнинг бошқа турлари миқдори расман белгилаб қўйилган энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмас. Айрим хорижий давлатларнинг қонунчилигида пенсия ва нафақалар миқдори белгиланган минимал истеъмол саватчasi ёки яшаш минимумидан кам бўлмаслиги белгиланган. Бу албатта ижтимоий ёрдамга муҳтож аҳолини келажакка бўлган ишончини кафолатлайди.

Шунинг учун пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий ёрдам турлари миқдорининг энг кам истеъмол харажатларидан кам бўлмаслиги – фуқароларнинг турмуш даражасини яхшилаш, харид қобилиятини сақлаб қолиш, соғлигини, меҳнат қилиш салоҳиятини сақлаган ҳолда жамиятнинг ҳеч бир аъзосини эътибордан четда қолмаслигини таъминлайди.

2022 йилда тарихимизда илк бор пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори минимал истеъмол харажатларидан кам бўлмаган даражага олиб чиқилди. Мисол учун, 2017 йилда кам таъминланган 500 минг оила ижтимоий ёрдам олган бўлса, бугунга келиб 2 миллиондан ортиқ оиласарга қўмак берилмоқда. Ажратилаётган маблағлар эса, 7 баробар қўпайтирилиб, йилига 11 триллион сўмга етди.[1].

Мамлакатимиз миллий қонунчилиги ижтимоий таъминот муносабатлари чоғида юзага келувчи барча ҳуқуқий воситаларни, ташкилий чора-тадбирларни назарда тутган. Бугунги куннинг энг асосий вазифаларидан бири эса, ушбу ҳуқуқий ва ташкилий механизmlарни амалиётта кенг жорий этишdir. Зоро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги биринчи навбатда ижтимоий соҳадаги ислоҳотларимиз самараси билан чамбарчас боғлиқ”[2].

Биргина 2017-2021 йилларда амалга оширилган ижтимоий таъминот соҳасидаги ислоҳотлар, аҳолининг ижтимоий ҳимояси, уларнинг турмуш тарзи, узоқ вақтлардан буён ечилмай келган ижтимоий муаммоларни бартараф этиш йўлида кескин бурилиш ясади. Ушбу давр мобайнида фуқароларнинг ижтимоий таъминотини тубдан яхшилаш мақсадида пенсия қонунчилигига оид олтмишга яқин норматив-ҳуқуқий хужжатлар қабул қилинди ҳамда амалдагиларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини

такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-2753-сонли қарори қабул қилинди[3].

Карорга мувофик 2017 йил февраль ойидан бошлаб, барча турдаги пенсияларни тўлаш ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд пул шаклда амалга оширилди

Шунингдек, пенсия ва нафақаларни ўз эгаларига етказиб беришдаги турли хил салбий холатларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 марта "Пенсиялар ва нафақалар тўлаш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-2826-сон қарори билан 2017 йил 1 июлдан эътиборан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар тўланиши фақат "Халқ банки" томонидан амалга оширилиши белгиланди[4].

Ишлайдиган пенсионерлар Солик кодексига асосан Пенсия жамғармасига тегишли сугурта бадаллари ёки ажратмаларни бошқа ишловчи шахслар каби тўлаб келсаларда, лекин уларнинг пенсиялари 1996 йилдан буён тўлиқ микдорда тўланмас эди.

Ушбу ижтимоий адолатсизликка барҳам бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПФ-5597-сон Фармони билан 2019 йил 1 январдан бошлаб барча ишловчи пенсионерларга пенсиялар тўлиқ микдорда тўланиши амалиётга жорий қилинди[5].

Жамиятда ўз фаолиятини норасмий тарзда амалга ошириб келаётган фуқароларнинг келажақдаги ижтимоий химоясини таъминлаш мақсадида уларга бир қанча ижтимоий қулайликлар яратилди. Жумладан;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 марта "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида, ПҚ-2856-сон қарори билан 2017 йил 29 марта эътиборан пиллачилликни, пиллачиллик тармоғи ишчилари ва тирик пилла етиштириш билан шуғулланувчи касаначиларни қонун хужжатларида тасдиқланган тўлиқ бир мавсум ишлаган даврлари уларга пенсия тайинлаш учун бир йил меҳнатстажига ўтадиган мавсумий ишлар ва саноатнинг мавсумий тармоқлари рўйхатига киритилиши белгиланди[6].

Шунингдек, 2018 йилдан бошлаб, ипакчилик тармоғига тааллуқли бўлган ва фермер хўжаликларида бажариладиган мавсумий ишлар пенсия тайинлаш учун стажгабир йиллик иш сифатида олиниши жорий қилинди.

Қишлоқ жойларида рўйхатдан ўтган ва фаолиятини амалга ошираётган хунармандлар ўз фаолиятининг дастлабки икки йили мобайнида Пенсия жамғармасига белгиланган сугурта бадалининг 50 фоизини тўлаш бўйича ижтимоий имтиёз берилди.

2018 йил 1 июлдан дехқон хўжалиги ва 4 сотиҳдан кам бўлмаган томорқа ерида банд бўлган ёки ушбу участкада қорамол ёхуд 50 бошдан кам бўлмаган парранда парваришилаётганжисмоний шахслар томонидан пенсия жамғармасига йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробари миқдорида сұғурта бадали тўланган тақдирда, сұғурта бадали тўланган йил меҳнат стажига бир йил ҳисобида олиниши жорий қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорларига асосан 68 турдаги фаолият билан шуғулланувчи ўзини ўзи банд қилган шахслар республикада белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорида сұғурта тўласалар бир йил стажга ўтиши белгиланди. Бундан ташқари ишловчи фуқароларга, ишламайдиган турмуш ўртоқлари келгусида пенсия таъминотига эга бўлишлари учун ўз даромадларидан ихтиёрий равишда ҳар ойда ижтимоий солик тўлаш хуқуки ҳам берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июлдаги ПҚ-3839-сон қарори билан 2018 йил 1 августдан хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқаролар томонидан Пенсия жамғармасига энг кам иш ҳақининг тўрт ярим баравари миқдорида йиллик сұғурта тўловларини ихтиёрий равишда тўловлар амалга оширган даврлари белгиланган тартибда меҳнат стажига бир йил ҳисобида қўшилиши йўлга қўйилди. Жорий қилинган иш стажини ҳисобга олишдаги ушбу имтиёзлар дунё давлатларининг пенсия қонунчилигида кам учрайдиган амалиётдир.

Шунингдек, ўтган қисқа давр мобайнида пенсионерларнинг ижтимоий таъминотга оид хуқуқларини янада кенгайтириш ва пенсия тайинлаш масалаларидағи ҳар хил овворагарчиликларни тўлиқ олдини олиш мақсадида қўйидаги имкониятлар яратилди.

Пенсияни ҳисоблаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш ва иш ҳақи миқдорини белгилашда архив маълумотларини тақдим этмасдан:

2005-2016 йиллар даври учун жамғарилиб бориладиган пенсия тизимиға мажбурий бадаллар тўғрисидаги маълумотлардан;

2016-2018 йиллар даври учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўtkazilgan сұғурта бадалларини якка тартибда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган электрон реестри маълумотларидан;

2019 йил учун фуқаролар иш ҳақининг якка тартибдаги ҳисобини юритишнинг марказлаштирилган электрон реестри маълумотларидан фойдаланишилари жорий қилинди.

2021 йил 1 июндан бошлаб эса пенсияларни тайинлашда шахснинг иш ҳақи ва меҳнат стажи тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базаси юритилмаган давр 2005 йилдан аввалги йиллар учун иш стажи шахснинг

мехнат дафтарчасидаги мавжуд ёзувлар асосида тасдиқловчи хужжатлар талаб этилмасдан ҳисобланиши йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 июндаги ПФ-6241-сон Фармони билан 2021 йилнинг 1 июлидан бошлаб[7]:

белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдорида ва ундан кам пенсия оловчи шахсларга пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 20 фоизи миқдорида қўшимча тўлов;

иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсияларнинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда 256 675 сўмдан 400 минг сўмга;

белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан 565 минг сўмгача пенсия оловчиларнинг ёшга доир ва ногиронлик бўйича пенсиялар миқдори 565 минг сўмга;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа миқдори 315 030 сўмдан 400 минг сўмга етказилди.

бокувчисини йўқотганлик:

пенсияси оловчиларнинг ҳар бир меҳнатга қобилиятысиз оила аъзоси учун қўшимча тўлов жорий этилди;

пенсияси оловчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятысиз оила аъзоси учун пенсиянинг энг кам миқдори 256 675 сўмдан 400 минг сўмга оширилди;

нафақаси оловчи оиласида оилаларнинг барча аъзоларини қамраб олиш мақсадида уларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятысиз оила аъзоси учун нафақа миқдори 400 минг сўм ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятысиз оила аъзоси учун 150 минг сўмдан қўшилиши белгиланди;

болалиқдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа ойига 513 350 сўмдан 565 минг сўмга оширилди.

Мамлакатимизда инсон хукуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик тизими барпо этилди, фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий-иктисодий хукуқларини ҳимоя қилишининг халқаро демократик стандартларга мос келувчи хукуқий механизmlари яратилди, жамиятимизда эркинлаштириш, хукуқлар кафолатларини янада кучайтиришга қаратилган хукуқий ислоҳотлар амалга оширилди. Барча иқтисодий, демократик, сиёсий, хукуқий ислоҳотларнинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборатдир.

Юқоридаги пенсия соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш ва пенсия таъминотини такомиллаштириш мақсадида:

- Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида” ги қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ;

- МДХ иштирокчиси бўлган давлатлар фуқароларининг пенсия таъминоти соҳасидаги ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги 1992 йил 13 марта қабул қилинган БИТИМга бугунги кун талабларидан келиб чиқиб ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Ижтимоий ҳимоя-давлатимиз томонидан юритилаётган ижтимоий сиёsatнинг муҳим ва устувор йўналишларидан бўлганлиги сабабли унинг ҳуқуқий асослари ҳам ушбу устуворликка тўла мос бўлиши, мамлакатимизда юз берадиган барча ижобий ўзгаришлар ва эришаётган ютуқларимизни ўзида акс эттириши, энг муҳими, инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари энг олий қадрият экани ҳакидаги ғояларимизга асосланган бўлиши лозим.

Зоро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Янги Ўзбекистонда ижтимоий соҳадаги ислоҳотлар, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қаратилганлигидан далолатдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. www.xs.uz расмий сайти. 20.12.2022

2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. www.xs.uz расмий сайти ҳамда “Халқ сўзи”, 2018 йил 28 декабрь. 271-272 (7229-7230).

3. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (<https://lex.uz/docs/3104579>) Ўзбекистон Республикаси президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Иш ҳаки, пенсия, нафака ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2753-сон қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (<https://lex.uz/docs/3134860>) Ўзбекистон Республикаси президентининг 2017 йил 13 марта даги “Пенсиялар ва нафакалар тўлаш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2826 сон қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (<https://lex.uz/docs/4103211?otherlang=1>) Ўзбекистон Республикаси президентининг 2018 йил 12 декабрдаги “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-куватлашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5597 сон фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси (<https://lex.uz/docs/3149416>) Ўзбекистон Республикаси президентининг 2017 йил 29 мартағи ““Ўзбекипаксаноат” уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тұғрисида”ги ПҚ-2856 сон карори.

7. Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси (<https://lex.uz/docs/5443926>) Ўзбекистон Республикаси президентининг 2021 йил 4 июндаги “Аҳолини ижтимоий құллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратылған құшымча чора-тадбирлар тұғрисида”ги ПФ-6241 сон фармони.